Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 209 (21. 076) 1991 йил 29 октябрь, сешанба ● Йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон–РСФСР — Ўзбекистон–Украина

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

● Биз тенг ҳуқуқли мустақил давлатлар сифатида шартнома имзоладик.

Б. Н. ЕЛЬЦИН,
РСФСР Президенти

● Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шартнома тез самара беради, деб ўйлайман.

МОСКВА. Ўзбекистон ва РСФСР ўртасидаги ҳамкорлик ҳужжатларини имзолаш.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

● Ўзбекистон билан Россия тенг ҳуқуқли иккала суверен давлат ўртасида тарихан таркиб топган ҳар томонлама дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантираверишга ахд қилганликларини тасдиқладилар. Президентлар И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин Ўзбекистон делегациясининг Москвага ташрифи натижаларини шундай баҳоладилар.

Президент И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси пойтахтда икки кун бўлди. Делегация таркиби салобатли эди. Республика Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йўлдошев, вице-президент Ш. Р. Мирсаидов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, Президентнинг маслаҳатчиси Ш. С. Зиёмов, ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, республика Олий Кенгаши Қонунчилик комитетининг раиси Э. Ҳалилов, республика ҳукуматининг Москвадаги доимий вакили вазифасини бажарувчи А. А. Саидов Россия раҳбарлари билан мулоқот ўтказдилар.

25 октябрь куни Внуково аэропортида И. А. Каримовни ва делегация аъзоларини РСФСР вице-президенти А. В. Руцкой, бошқа расмий кишилар самимий кутиб олдилар.

...Оқ уй. Август исёни тор-мор этилганидан кейин бу бино демократия, озодлик тимсоли бўлиб қолди. Бугун бино пештоқида Россиянинг уч рангли байроғи ёнида мустақил Ўзбекистоннинг байроғи ҳам хилпираб турибди.

26 октябрь куни Оқ уйда Президентлар И. А. Каримов билан Б. Н. Ельцининг амалий учрашуви бўлди, иккала республика раҳбарлари эшикларни ёпиб

(Давоми иккинчи бетда).

И. А. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

● Ўзгариб бораётган вазиятда тағин ҳам аниқроқ ҳаракат қилиш зарур.

Л. М. ҚРАВЧУК,
Украина Олий Кенгаши Раиси

● Шартнома иккала давлат ҳамкорлигининг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради.

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон ва Украина ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаш пайти.
Р. НУРИТДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ва Украина муносабатлари тарихига янги саҳифа битилди. Тараққиётнинг марказ қаттиқ назоратидан ҳоли бўлган икки томонлама йўли белгиланди.

Украина Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук бошчилигидаги республика ҳукумат делегацияси 27 октябрь куни Тошкентга келди.

Украина ва Ўзбекистон Республикаси давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Л. М. Кравчук ҳамда Украинанинг бошқа раҳбарларини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов, Республика Олий Кенгашининг Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Ў. Қ. Исмоилов, Тошкент шаҳар Кенгашининг раиси А. И. Фозилбеков, республика ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Самолёт пиллапояси олдида иккала раҳбар журналистларнинг саволларига қисқача жавоб қайтардилар. Улар ҳозирги шароитда республикалар ўртасида янги иқтисодий ва сиёсий алоқалар зарурлигини таъкидладилар.

28 октябрь куни музокаралар бўлиб ўтди ва Ўзбекистон Республикаси билан Украина давлатлараро муносабатларининг асослари тўғрисидаги шартнома имзоланди. И. А. Каримов ҳужжатни имзолаш олдидан гапириб, бу ҳужжатни икки республика ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришдаги тарихий қадам, деб баҳолади.

Л. М. Кравчук ўз навбатида шартнома икки давлат ҳамкорлигининг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштирганини таъкидлади.

Сиёсий ҳужжатни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов билан Украина Олий Кенгашининг Раиси Л. М. Кравчук имзоладилар.

Икки республика Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро маслаҳатлашув тўғрисида протокол ҳам имзоланди. Унга Ўзбекистон республикаси ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова билан Украина ташқи ишлар вазири А. М. Зленко имзо чекдилар.

Сўнгра оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Журналистларни ҳам икки республиканинг ўзаро муносабатларига ҳамда уларнинг ҳар бири ҳал этиши лозим бўлган муаммоларга тааллуқли жуда кўп саволлар қизиқтирди.

Ўтган йили Ўзбекистон билан Украина ўртасида ҳукуматлараро битим имзоланган эди. Бу битим ҳозирги шартномадан қандай фарқ қилади? И. А. Каримов шу саволга жавоб қайтариб, иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим беш йил муддатга тузилганлигини айтди. Бироқ тез ўзгариб бораётган вазиятда тағин ҳам аниқроқ ҳаракат қилиш зарур. Ҳозирги сиёсий шартнома ўтган йилги битим негизида тузилган бўлиб, барча қимматли жиҳатларни ўз ичига олган. Шартнома жуда кўп масалаларни ҳал этишни кўзда тутади. Бундан олдинроқ Киевда 1992 йил учун иқтисодий битим имзоланган эди.

Л. М. Кравчукнинг фикрича, имзоланган ҳужжат Иттифоқ шартномасининг ўрнини босмайди ва уни тўлдирмайди. Шартнома бутунлай мустақилдир. Илгари ҳамма нарсани марказ ҳал қилар эди. Республикалар мустақил бўлганларидан сўнг ўз олдиларида пайдо бўлган муаммоларни ўзлари ҳал қилишлари керак.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида, деб таъкидланди журналистлар билан учрашувда, миллий хонадонларга тарқалиб кетмаслик муҳимдир. Ҳамкорлик қилиш, ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш зарур. Республикаларга марказ раҳбарлик қилмаслиги, уларнинг муаммоларини марказ эмас, шу республикаларнинг ҳукуматлари ҳал этиши лозим, чунки улар ўз халқлари олдида жавоб берадилар. Шу билан бир вақтда республикалар ўртасидаги алоқаларни бошқариб турадиган мувофиқлаштирувчи идоралар керак.

Журналистлар қрим татарларнинг кўчиши масаласини ҳам тилга олдилар. Шу муносабат билан И. А. Каримов ўз вақтида уларнинг Ўзбекистонда кўнгилдагидек яшашлари учун барча шароит яратилганлигини таъкидлади. Ҳозир ҳам республикага қайтиб келишни ҳохлаган ҳар бир кишига ёрдам беришга тайёр.

Украина раҳбарининг фикрича, ҳозирги вақтда Қримда бу ерга кўчиб келаётганларнинг ҳаммасини бинокорлик материаллари, янги жойда жойлашиб олишлари учун бошқа зарур материаллар билан тўла таъминлаш имконияти йўқ. Шу сабабли Қримда муайян қийинчиликлар вужудга келмоқда.

Жаннатни ваъда қилган ҳужжатлар жуда кўп қабул қилинганини яхши биламиз. Лекин жаннатсимон ҳаётни кўрмадик. Икки республика имзолаган битимларнинг асосий хусусияти эса ҳозирги воқелик ҳисобга олинганлигидир. Мўлчилик бирданига бошланмайди. Олдин иқтисодиёт таназзулини тўхтатиб қолиш, ишлаб чиқаришни юксалтириш лозим. Бу эса раҳбарларга ҳам, меҳнат жамоаларига ҳам боғлиқ.

Сиёсий шартноманинг имзоланиши ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун замин яратди. Шу сиёсий шартнома негизида сиёсат, иқтисодиёт, маданият соҳаларида бошқа тадбирлар ҳам

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар якунлари юзасидан

АХБОРОТ

1991 йил 26 октябрь куни Москвада Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикасининг расмий делегацияси билан РСФСР Президенти Б. Н. Ельцин бошчилигидаги Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ва РСФСР делегациялари Ўзбекистон билан Россия ўртасида тарихан таркиб топган ҳар томонлама дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ривожлантиришга азму қарор берилганини тасдиқладилар. Томонлар ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига, БМТ Уставининг мақсадлари ва қоидаларига, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро меъёрларга, Хельсинки Якунловчи актининг ҳамда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш бошқа ҳужжатларининг қоидаларига сўзсиз содиқ эканликларини билдирдилар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисидаги 1991 йил 31 август Қонунига ва РСФСРнинг Давлат суверенитети ҳақидаги 1990 йил 12 июнь Декларациясига асосланиб, қуйидагилар ҳақида келишиб олдилар:

1. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР ўзларининг ўзаро муносабатларида бир-бирларининг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилишга асосланадилар.

2. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР ҳамма эътироф қилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига биноан ва ўзларининг қонунларини ҳисобга олиб, ўз ҳудудларида яшаб турган шахсларга хоҳиш-иродасини эркин изҳор этиш асосида томонлардан бирининг фуқаролигини сақлаб қолиш ёки янгидан олиш ҳуқуқини кафолатлайдилар.

3. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР ўз ҳудуди доирасида тегишли томоннинг ҳуқуқ доирасига мансуб ҳар бир шахсга ирқидан, жинсидан, тилидан, динидан, сиёсий эътиқодларидан, ижтимоий насл-насабидан ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар фуқаролик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳамда маданий ҳуқуқлар ва эркинликларни кафолатлаб берадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР ўз ҳудудида яшаб турган кам сонли миллатларнинг ҳуқуқларини кафолатлайдилар, миллий белгига қараб қамситишга йўл қўймаслик юзасидан самарали чораларни кўрадилар.

5. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР барча соҳаларда тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришда ташқи сиёсатда ва ташқи иқтисодий фаолиятда; умумий иқтисодий маконни шакллантиришда; бож сиёсати соҳасида; томонлар учун муштарак бўлган энергетика, транспорт, информатика ва алоқа тизимларини бошқаришда; ядро қуроли устидан ягона назоратни сўзсиз сақлаб қолиб, коллектив хавфсизлик тизимини вужудга келтиришда; жумладан, Орол денгизи ва Оролбўйининг экология тизимини тиклаш ишида ҳамкорлик қилиш тўғрисида махсус битим тузишни назарда тутиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида, куч-ғайратларни бирлаштириш мақсадга мувофиқлигига асосланиб иш тутадилар.

6. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР иқтисодий суверенитетни ўзаро ҳурмат қилиш асосида тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорликни амалга ошириб, иқтисодий ва молиявий муносабатларнинг барча масалалари, шу жумладан шартномавий нархлар воситаси ва даражалари, жаҳон нархлари асосида ўзаро ҳисобкитобга ўтиш босқичлари, қимматбаҳо қоғозлар ҳаракати, транзит юк ташиш юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиб турадилар. Томонлар тегишли ҳукуматлараро битимлар тузишни назарда тутадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР маънавий соҳада бир-бирларини ўзаро бойитувчи алоқалар, иккала давлат халқларини бир-бирининг анъаналари билан, маданият соҳасидаги ютуқлар билан таништириш учун зарур шарт-шароитни вужудга келтирадилар.

8. Ўзбекистон Республикаси билан РСФСР бирларида мухтор ваколатхоналар очиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Республикаси ва РСФСРнинг расмий делегациялари ўртасидаги музокаралар чоғида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисида икки томонлама шартнома тузиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг Президенти
Б. ЕЛЬЦИН.

Ўзбекистон–Санкт-Петербург

САНКТ—ПЕТЕРБУРГ, 26 октябрь. (ТАСС мухбирлари Ирина **Золотарева** ва Лев **Фролов**). Нева соҳилидаги шаҳарда Ўзбекистон Республикаси билан Санкт-Петербург шаҳри ва вилояти ўртасида 1992 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисидаги битим имзоланди.

Унда ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмини 1990 йил даражасида сақлаб қолиш кўзда тутилган. Томонлар тармоқлар ичидаги ҳамда тармоқлар ўртасидаги кооперация алоқаларини ривожлантиришга, корхоналарнинг бевосита хўжалик алоқаларини рағбатлантиришга кўмаклашиш тўғрисида келишиб олдилар. Нарх-наво белгилаш соҳасида келишиб олинган ҳолда ягона сиёсат ўтказишга, ўзаро маҳсулот етказиб бериш тўғрисидаги ахборотлар алмашиш воситасини пишиқлаштиришга қарор қилинди.

Янги ташкилий тадбирлар ҳам белгиланди. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ва сақлайдиган қўшма корхоналар барпо этиш режалаштирилди, Нева соҳилида Ўзбекистон мутахассислари, ишчилари тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтадилар. Санкт-Петербургда жанубий республикада тайёрланган буюмлар билан савдо қилувчи марказ, ресторан очилади. Ресторанда хўрандаларга турли-туман миллий таомлар таклиф этилади.

Ҳамкорлик тўғрисидаги давлатлараро шартномаларга алоҳида банд бўлиб киradиган худди шундай битимлар шаҳар, вилоят, бошқа мустақил республикалар ўртасида имзолаш учун ҳам тайёрланмоқда. Жумладан, Латвия, Литва, Эстония, Тожикистон билан шундай шартномалар тузилади.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

27 октябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов Таиланд қироллигининг СССРдаги фавқулодда ва мухтор элчиси Касит Пиромни қабул қилди.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон мустақилликни қабул қилганидан сўнг унинг халқаро бозорга чиқиши учун катта имкониятлар пайдо бўлгани таъкидланди. Бунинг учун республика зарур ресурсларга, хом ашё базасига эгадир. Ҳукумат республикамиздаги аҳвол барқарор бўлиши, одамлар унумли ишлаши учун барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Бу ҳам қўшма корхоналар тузиш учун муҳим аҳамиятга моликдир.

Элчи самимий қабул қилиб олингани, унга холис ва тўла-тўкис ахборот берилгани учун миннатдорчилик билдирди. У суҳбат мазмунини зудлик билан Бангкокка, ўз ҳукуматига етказишини айтди.

Иккала томон ўзаро манфаатли асосда бевосита савдо-иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантиришга интилаётганини таъкидлади. Шу мақсадда делегациялар айрибошлаш, қўшма корхоналар тузиш, ахборот марказлари, савдо уйлари очиш, саёҳатчиликни ривожлантириш, консуллик муносабатларини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, республика ташқи ишлар вазири Ш. Н. Маҳмудова қатнашдилар. Суҳбатда Таиланд томонидан Таиланднинг Москвадаги элчихонаси учинчи котиби Ваттан Кунгвангз иштирок этди.

(ЎзТАГ).

Суҳбат пайти.
Р. НУРИТДИНОВ олган сурат.
(ЎзТАГ).

ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛАР МУЛОҚОТИ

Ўзбекистон–РСФСР

(Давоми. Боши биринчи бетда).

суҳбатлашдилар, аммо улар ҳужжатлар имзолаш мўлжалланган залга табассум билан чиқишларига қараганда, учрашув натижалари самарали бўлган. Икки суверен давлат расмий делегацияларининг музокаралари ҳам муваффақиятли ўтди.

Имзолаш маросими арафасида ўзаро совғалар топширилди. Энди Оқ уй деворида қадимий Самарқанднинг бир қисми тасвирланган расм билан Алишер Навоий сиймоси туширилган гилам осиғлиқ туради. Доно шоир ва сиёсатчининг қиёфаси Оқ уйда абадий ҳозиру нозир бўлиб турсин, деди Ислом Абдуғаниевич. Борис Ельцин сердолик тошидан ясалган рус гўзалининг ҳайкалини унга топширди. Кашшофлар ўрмонга, қийин йўлга отланганларида бу нодир тошни ҳамиша ёнларида олиб юришар эди. Айтишларича, бу тош омад келтирар экан. Ҳозирги қийин даврда биргаликдаги йўлимизда бизга ҳам шу тош омад ва бахт келтирсин.

Сўнгра Президентлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикасининг расмий делегациялари ўртасидаги музокараларнинг якунларига оид ахборотни имзоладилар. Ўзбекистон вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов билан РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари О. И. Лобов Россия билан Ўзбекистон ўртасида 1992 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисидаги битимни имзоладилар. Бу муҳим ҳужжатларнинг матнлари бугун матбуотда эълон қилинмоқда.

Ҳужжатларни имзолаш чоғида РСФСР Давлат котиби Г. Э. Бурбулис, ташқи ишлар вазири А. В. Козирев, республика Олий Кенгаши Халқаро ишлар ва ташқи иқтисодий алоқалар комитетининг раиси В. П. Лукин, РСФСР Олий Кенгаши Республикаларо муносабатлар масалалари, минтақа сиёсати ва ҳамкорлик комитетининг раиси А. Г. Гранберг, Россия Президентининг ёрдамчиси Д. Б. Рюриков ҳозир бўлдилар.

Шундан кейин журналистлар билан суҳбат бўлди.

Биринчи саволни Россия ахборот бошқармасининг мухбири берди: икки суверен давлат — Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш иккала республикани иқтисодий ва ижтимоий тангликдан қутултиришга қанчалик кўмаклашади?

Б. Н. Ельциннинг фикри: мустақил республикаларнинг иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида биз яқинда Кремлда имзолаган шартноманинг бандлари қийинчилик билан амалга оширилади, деб ҳисоблайман. Шу сабабли мен бу ҳужжатдан беҳад умидвор бўла олмайман. Мустақил давлатлар, шу жумладан Ўзбекистон билан икки томонлама алоқалар бундан кўра ишончлироқ ва мустаҳкамроқдир. Биронбир республиканинг Иттифоқда қолиши ёки қолмаслигидан қатъи назар Россия давлатлараро даражада шундай шартномаларни тузаверади. Бугунги ҳужжатнинг имзоланиши кимни ким боқаяпти, деган қуруқ гапларга чек қўяди. Бу — тенг ҳуқуқли шартнома бўлиб, ҳеч ким ҳеч кимни боқаётгани йўқ ёки ҳеч бўлмаганда, бир-бирини тенг асосда боқаяпти. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шартнома тез самара беради, деб ўйлайман, Кремль шартномасидан бўни кутиб бўлмайди.

И. А. Каримовнинг фикри: мен Борис Николаевичнинг фикрига тўла-тўкис қўшиламан. Ким кимни боқаяпти деган масалага равшанлик киритилгани учун Россия раҳбариятидан миннатдорман. Имзоланган ҳужжатларнинг учта муҳим жиҳатини таъкидлаб ўтмоқчиман. Биринчиси шуки, биз тенг ҳуқуқли мустақил давлатлар сифатида шартнома имзоладик. Биз россияликларга Россияга иззат-ҳурматимизни ҳар safar таъкидлашга интиламиз. Ўзбекистон билан Россия ўртасида азалий алоқалар бор. Бу алоқалар шу қадар чуқур илдиз отганки, бу илдизларни суғуриб ташлаш бемаънилик бўлур эди. Тарихни қайтадан ёзишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Масаланинг сиёсий жиҳати билан бир қаторда иқтисодий жиҳати ҳам бор.

Россия учун Ўрта Осиё минтақаси хом ашё базаси сифатида ғоят қимматлидир. Бизнинг пахтамиз, ипагимизни олиш Россия учун манфаатли бўлса, Россиянинг молларини олиш биз учун фойдалидир. Шуни масъулият билан айта оламанки, биз Россиясиз, унинг ёрдамисиз, унинг иқтисодиётисиз, унинг табиий бойликларисиз ўз иқтисодиётимизни истиқболда ривожлантира олмаймиз. Халқларимиз ўртасига нифоқ солишга, дўстлигимизни бузишга қодир бўлган куч йўқ. Россия раҳбарияти муносабатларимизга зарар етказадиган беҳуда гап-сўзлардан юқори турганлигидан хурсандман. Жўрттага орамизга нифоқ солмоқчи бўлган кучлар бор. Бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. Ўзбекистоннинг барча халқлари, россиялик оға-иниларига зўр ҳурмат билан қарайдилар.

Б. Н. Ельцин бундай қўшимча қилди: биз имзолаган ҳужжатларда яна бир муҳим ҳиҳат бор, унга миллатидан қатъи назар фуқаролар, Ўзбекистондаги руслар, Россиядаги ўзбеклар тенглиги ёзиб қўйилган.

● МОСКВА. Ўзаро совғалар топшириш чоғида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

— Имзоланган ҳужжат ҳар бир россияликка, ҳар бир ўзбекка қандай наф келтиради?

Борис Ельцин бу саволга қуйидагича жавоб қайтарди: ҳозир биз Ўзбекистондан унга юбораётганимиздан кўра кўпроқ нарса олаяпмиз. Афсуски, кейинги вақтларда мол етказиб бериш юқори даражада бўлмади. Ҳозир Россиядан Ўзбекистонга мол етказиб беришни икки ҳисса кўпайтириш кўзда тутилди. Бу эса республикада яшайдиган ҳар бир киши учун бевосита наф келтиради.

Имзоланган шартнома иккала томон учун ҳам фойдалидир, деди Ислом Каримов. Бу — ўзаро муносабатларимиздаги тўла очиқликнинг натижасидир.

Биз Ўзбекистон бир ёқлама нотўғри ривожланиш оқибатида тушиб қолган оғир аҳволдан Россия билан дўстлик туфайли, иқтисодий ҳамкорлик туфайлигина чиқа олади, деб ўйлаймиз. Бутун мамлакат, шу жумладан Россия ҳам шундай тангликни бошидан кечирмоқда.

Нозик саволлар ҳам берилди. Масалан, «Эхо Москви» («Москва акс-садоси») радиостанциясининг мухбири шартнома лойиҳасини ишлаб чиқиш чоғида томонлар олдида турган энг қийин, энг мушкул муаммо нима бўлди, деб сўради.

Б. Н. Ельцин бундай жавоб қайтарди: битимни амалга ошириш муаммоси мана шундай масала, деб ўйлайман. Аммо биз умумий тил топамиз. Агар биз пахтадек қимматли хом ашёни олсак, бу нарса бутун бир тармоқни юриштириб юбориш имконини беради. Бунинг учун меҳнатсевар ўзбек ҳалқига раҳмат. Битимда ёзиб қўйилган нарсаларнинг ҳаммаси бир-биримизга етказиб беришимиз мумкин бўлган нарсаларнинг ҳозирги юқори миқдоридир.

Имзоланган ҳужжат яна бир қийин масалани бартараф этиш имконини беришини И. А. Каримов алоҳида таъкидлаб ўтди. Ўзбекистонда рус тилида сўзлашувчи аҳоли, европалик аҳоли бу шартномани имзолаётганда биз Ўзбекистонда яшаб турган халқлар ва элатлар ўртасидаги ишончни сақлаб қолишга, фуқаролар тинчлигини, миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга интилганимизга ишонч ҳосил қиладиган бўлсин. Буни мен ўз фаолиятимнинг асосий маъноси деб биламан. Бу ҳужжатнинг катта аҳамияти аввало шундан иборатки, бу воқеани кузатиб турган миллионлаб кишилар ва аввало Ўзбекистоннинг рус тилида сўзлашувчи аҳолиси республикалар ўртасидаги тинчлик ва тотувлик абадий бўлишига кафолот олдилар, ишонч ҳосил қилдилар.

Ҳужжатлар имзолангандан кейин давлатлар ва ҳукуматларнинг раҳбарлари зиммасига катта масъулият тушажагини иккала президент таъкидлаб ўтишди. Эришилган битимларнинг рўёбга чиқишини доимий назорат қилиб турадиган аралаш комиссия тузилади. Ўзбекистон Россиянинг сиёсати билан тўла-тўкис бирдамдир, деди И. А. Каримов.

Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари қўл олишиб бир-бирларини табрикладилар, бир-бирларига ва иккала мустақил давлат халқларига муваффақият ҳамда равнақ тиладилар.

Ташриф ниҳоясига етди. У ҳайриҳохлик, дўстлик, ишонч ва ҳурмат муҳитида ўтди. Ўзбекистон делегацияси Москвадан жўнаб кетиш учун аэропортга келганида шод-ҳуррамлик кайфияти ҳукм сурар эди. Аэропортда делегацияни РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари О. И. Лобов, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

Святослав ФЕНЮТИН,
ЎзТАГ махсус мухбири.

Москва—Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик принциплари тўғрисида БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳукумати, бундан кейин «Томонлар» деб аталади, қарор топган анъанавий савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларга асосланиб, шунингдек уларни янада ривожлантиришдан ўзаро манфаатдорликни ҳисобга олиб, қуйидагилар тўғрисида келишдилар:

1-модда

Томонлар шунга келишдиларки, республикаларнинг ўзаро савдо-иқтисодий муносабатлари иқтисодий ҳамжамият доирасида ўзаро манфаатдорлик асосида амалга оширилади. Томонларнинг ҳар бири бошқа республикага иқтисодий зарар етказадиган хатти-ҳаракатларни қилмайди.

2-модда

Томонлар шунга келишдиларки, иқтисодий алоқалар асосан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжалик ва давлат бошқарувининг ҳудудий (муниципиал) ва бошқа органлари ўртасида уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши керак.

3-модда

Томонлар ҳукуматлар даражасида маҳсулотлар ва товарларнинг муҳим турларини етказиб беришни бошқаришни амалга оширишга келишдилар ҳамда республикаларнинг иқтисодий органларига 1991 йилнинг 15 ноябригача кўрсатилган бошқариш механизмини ишлаб чиқишни ва имзолаш учун мазкур битимга тегишли иловаларни тайёрлашни топширадилар.

Маҳсулотларнинг бу турларини ўзаро етказиб беришни асосан 1990 йилдагидан кам бўлмаган даражада сақлаб қолишга келишдилар. Томонлар тегишли бошқарув органлари орқали муҳим турлар рўйхатига кирмаган маҳсулотларни келишилган номенклатура бўйича ўзаро етказиб бериш юзасидан шартномалар тузиш устидан назорат ўрнатишга келишдилар.

4-модда

Томонлар ишлаб чиқаришнинг қарор топган ҳажмларини ҳисобга олиб, маҳсулотлар ва товарларни ўзаро етказиб беришни сақлаб қолишда хўжалик субъектларига ёрдам кўрсатадилар. Ҳар икки республикада истеъмол қилиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган маҳсулотлар қайта экспорт қилинмаслиги керак.

5-модда

Томонлар нарх белгилаш соҳасида келишилган сиёсат ўтказишга ҳамда ўзаро манфаатларга дахлдор нархларни белгилаш ва бошқаришда биргаликда қарор қабул қилишга келишиб олдилар. 1992 йилдан бошлаб ҳар иккала республика корхоналари ва ташкилотлари томонидан маҳсулот (ишлар ва хизматлар) етказиб бериш учун ҳисоб-китобларни белгилаб қўйиладиган, шартнома нархларида, маҳсулотларнинг томонлар ўзаро келишган айрим муҳим турлари бўйича эса — келишилган курс бўйича сўмларда ҳисоблаб чиқилган жаҳон нархларида амалга ошириш.

6-модда

Томонлар ҳукуматлар томонидан бошқариладиган маҳсулот ва товарларнинг энг муҳим турларини республикаларо етказиб беришнинг корхоналар ва ташкилотлар томонидан бажарилиши бўйича зарур чоралар кўришга, йилнинг ҳар чорагида ҳисоб-китобнинг ва маҳсулот етказиб беришнинг бориши тўғрисида ўзаро ахборот айирбошлашни ташкил этишга, маҳсулот етказиб берувчиларнинг манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш мақсадида иқтисодий рағбатлантириш ва жазоларни келишиб олишга ва қўллашга рози бўлдилар.

7-модда

Томонлар Ўзбекистон ўрмон-саноат хўжаликларининг РСФСР ҳудудидаги фаолиятини тасдиқлайдилар ҳамда уларнинг узоқ муддат фаолият кўрсатиши тўғрисидаги масалани алоҳида битимда ҳал этадилар.

8-модда

Томонлар ҳар иккала республика транспорт воситаларининг ўз ҳудудларидан ўтишининг мавжуд тартибини сақлаб қолишга келишиб олдилар. Ташиш ва олиб бориш, шу жумладан экспорт юкларини ўз ичига олувчи транзит юкларни ташиш ва олиб бориш, шунингдек сув ресурсларини, нефть, газни ҳамда электр қувватини узатиш тартиби, зарур бўлган ҳолларда, бошқа республикалар иштирокида алоҳида битимлар билан белгиланади.

9-модда

Томонлар табиий офатлар ва ҳалокатлар рўй берган тақдирда ўзаро ёрдам беришга, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида, шу жумладан Чернобиль аварияси ва Орол денгизи қуриши оқибатларини бартараф этишга қаратилган биргаликдаги ҳаракатларни амалга ошириш сохасида айрим ҳамкорликдаги алоҳида ишларни маблағ билан таъминлашга келишиб олдилар.

10-модда

Томонлар ишчилар, мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашда ва қайта тайёрлашда ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартлашиб олдилар. Шу мақсадларда РСФСР ва Ўзбекистон Республикасининг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, илмий марказларида ҳар йили ўрин ажратиш, шунингдек етакчи саноат корхоналарида ишчи кадрларни тайёрлаш ва стажировкадан ўтказиш назарда тутилади.

11-модда

Томонлар 1992 йилнинг 1 январигача республикаларнинг вазирликлари ва идоралари шартномалар тузишни, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг бошқа йўналишлари бўйича битимлар ёки протоколларни имзолашни тугаллашларини шартлашиб олдилар.

12-модда

Томонлар битимни амалга ошириш жараёнида пайдо бўладиган муаммоларни биргаликда кўриб чиқадилар ва уларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўрадилар.

13-модда

Ушбу битим имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Битим ўзбек ва рус тилларида икки нусхада тузилди ва 1991 йилнинг 26 октябрида Москва шаҳрида имзоланди. Ҳар иккала матн айнан бўлиб, бир хил кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан
Ўзбекистон Республикаси вице-президенти
Ш. МИРСАИДОВ.

Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси ҳукумати номидан
Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари
О. ЛОБОВ.

Ўзбекистон–Украина

(Давоми. Боши биринчи бетда).

амалга оширилади. Ўзбекистоннинг бойликлари ва имкониятлари Украинага ёрдам беради ва аксинча, Украина бойликлари ва имкониятлари Ўзбекистонга қўл келади. Иккала раҳбар ҳам қабул қилинган мажбуриятларни оғишмай бажариш қоидасига амал қиладилар. Озиқ-овқатга келганда, Ўзбекистон келгуси йилдаёқ Украинадан қанд-шакар, бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари олади, Украина эса Ўзбекистондаги бойликлардан баҳраманд бўлади.

И. А. Каримов таъкидлаганидек, қийинчиликларга қарамай, республика кўпгина соҳаларда ишлаб чиқаришни юксалтирмоқда. Бу эса қиш арафасида муайян ишонч бағишламоқда. Бироқ мамлакатдаги иқтисодий аҳвол оғир, янги ларзалар бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳукумат аҳолини энг зарур маҳсулотлар билан таъминлаш учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Учрашувда «соф» сиёсат масалалари ҳам четда қолмади. Л. М. Кравчук мухолифларга муносабат тўғрисидаги саволга жавоб қайтариб бундай деди: кимга қарши мухолифлик? Илгари КПССга қарши муҳолифлик бор эди. Асосий мақсадга — халқ фаровонлигини оширишга амал қиладиган турли партиялар ва ҳаракатлар билан амалий ҳамкорлик қилиш муҳимдир. Айрим оммавий ахборот воситалари Украинада, худди шунингдек Ўзбекистонда ҳам вазиятни беқарор қилишга уринмоқда. Нотинч даврда холислик ва ҳақиқат ҳамма учун ҳар қачонгидан ҳам зарур.

● Украина Олий Кенгаши Раиси Л. М. Кравчук Ўзбекистон миллий боғи билан танишмоқда.

Р. НУРИТДИНОВ олган сурат (ЎзТАГ).

Украина делегацияси аъзолари Ўзбекистон миллий боғига бордилар. Ўрта Осиё мутафаккири ва шоири Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйилди. Меҳмонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирдилар.

Шу куни Л. М. Кравчук ва унга ҳамроҳлик қилган Украина ҳукумати аъзолари Киевга жўнаб кетдилар.

В. ДРАЧЕВ,
ЎзТАГ мухбири.

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

БУХОРО	0,48	111,17	0,23	85,43
ҚАШҚАДАРЁ	0,60	106,44	0,43	114,47
ФАРҒОНА	0,35	105,21	0,20	96,05
НАМАНГАН	0,71	102,49	0,48	107,46
СУРХОНДАРЁ	0,92	102,31	0,42	106,15
ЖИЗЗАХ	0,51	101,69	0,54	123,85
СИРДАРЁ	0,52	100,71	0,43	111,12
Андижон	1,07	98,74	0,95	106,05
Тошкент	0,84	95,93	0,64	103,87
Самарқанд	1,23	95,24	0,89	101,10
Хоразм	1,23	77,23	0,98	46,43
Қорақалпоғистон республикаси	1,14	75,52	0,87	72,09
Республика бўйича	0,78	98,73	0,57	100,71

Шу жумладан ингичка толали пахта

БУХОРО	2,96	106,36
СУРХОНДАРЁ	1,00	103,60
ҚАШҚАДАРЁ	1,19	101,15
Наманган	1,24	87,03
Андижон	0,67	36,29
РЕСПУБЛИКА БУЙИЧА	1,12	102,26

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

ИШОНЧ ҚОЗОНИШ ОСОНМАС

● Ўтган шанба куни пойтахтимизда Тошкент вилояти партия таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унинг кун тартибида янги — Халқ-демократик партияси вилоят ташкилотини тузиш, ушбу партия Дастури ва Низомини муҳокама қилиш ҳамда бўлажак республика партия таъсис қурултойига делегатлар сайлаш каби масалалар бор эди. Шуни таъкидлаш керакки, муҳокамага қўйилган барча масалалар ишчанлик руҳида кўриб чиқилди.

Конференция чақирилишигача қисқа вақт ажратилган бўлса-да, аммо бир қанча ишлар амалга оширилди. Вилоятда Компартия аъзоларидан 21 минг нафардан зиёд киши қайта рўйхатдан ўтиб, янги партия сафларини тўлдирдилар 7360 киши Халқ-демократик партиясига янгидан аъзо бўлиб кирди.

— Биз илгари юрилмаган йўлдан қадам ташлаяпмиз, — деди конференцияда маъруза қилган вилоят партия ташкилий қўмитаси раиси, вилоят кенгаши раиси С. Д. Сайдалиев.— Шунинг учун бу йўлда қоқилишлар бўлиши ҳам табиий. Энг муҳими, парламент типидаги янги партиянинг стратегик мақсадларини халққа тушунтира олишимиздадир.

Конференцияда сўзга чиққан Қибрай районидаги «Правда» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи А. Жўрабоев, Паркент район партия қўмитаси котиби Х. Эрматов, Ўрта Чирчиқ район Кенгаши раиси М. Икромов, Янгийўл районидаги Ленин номли жамоа хўжалиги аъзоси Х. Нишонбоева ва бошқалар янги партия олдида турган муҳим вазифалар, Халқ-демократик партиясининг Дастури ва Низомилойиҳаларига тузатиш, ўзгартишлар киритиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Анжуман сўнггида Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси таъсис қурултойига вакиллар сайланди.

А. МАННОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ГУЛИСТОНДА Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Сирдарё вилояти ташкилотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилояти ташкилотини тузиш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Конференцияда вилоят кенгаши раиси А. Айдаркулов Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокамалари якунлари тўғрисида маъруза қилди. У собиқ Компартия аъзоларидан 10 минг 400 киши янги Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясига аъзо бўлиб кириш истагини билдирганлигини, бундан ташқари 1 минг 700 нафар партиясизлар ўз тақдирларини янги партия тақдири билан боғлаш ниятида эканлигини айтди. Шундай қилиб ҳозир вилоятда 408 та бошланғич, 10 та шаҳар ва район партия ташкилотлари вужудга келди, уларга 12,5 мингдан зиёд партия аъзолари бирлашдилар.

Маъруза юзасидан бўлган музокаралар ҳам қизғин ўтди.

Конференцияда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек унда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг 1 таъсис қурултойига делегатлар сайланди.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Эшитмадим, деманглар!

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● ШОЛИ МЎЛ БЎЛДИ. Қўриқ Гагарин райони шоликорлари давлат буюртмасини бажаришди.

Қабул пунктларига 22 минг тоннадан зиёд шоли етказиб берилди. Дала меҳнаткашлари ўз имкониятларини чамалаб чиқишди. Яна 3200 тонна шоли топширишга аҳд қилинди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЪЕЗДДА. Кеча РСФСР халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съезди ўз ишини бошлади. РСФСР Президенти Б. Ельцин халққа мурожаат қилди.

РСФСР Президенти Б. Ельцин съездда Россия ҳукуматига ўзининг шахсан бошчилик қилишини таклиф этди. Президент масъулиятли ва оғир даврда ҳукуматга бевосита бошчилик қилишга тайёр эканлигини айтди.

● САМИМИЙ ТАБРИК. СССР Президенти Михаил Горбачев Москвада ўтаётган «Уруш фахрийлари — тинчлик тарафдори» ҳаракати анжумани иштирокчиларига табрикнома йўллади.

ХОРИЖДА

● ОЧИҚ ЭЪТИРОФ. АҚШ давлат котиби Ж. Бейкер Эй-Би-Си телекомпанияси эшиттиришида нутқ сўзлади. У Президент М. Горбачев билан Президент Ж. Бушнинг Яқин Шарқдаги можаронни бартараф этишга бағишланган анжуман очилишига таклиф этилиши жуда муҳум воқеа бўлди деб ҳисоблайман, деди.

• СУРХОНДАРЁ

● ВИЛОЯТ ПАХТАКОРЛАРИ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 431 МИНГ ТОННАДАН ОРТИҚ ПАХТА ТОПШИРДИЛАР.

Деҳқончиликда ташвишлар билан бирга қувончли кунлар ҳам кўп бўлади. Аммо режани бажарганда, деҳқонлар ўз бурчини уддалаганда бўладиган қувонч бошқачадир. Шукурким, бизнинг қатъиятли деҳқонларимиз шундай қувончли кунга етиб туришипти. Вилоят қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажардилар. Истиқлолга эришган Ўзбекистон Сурхондарё «оқ олтин» ижодкорларидан 431 минг тоннадан зиёд сифатли пахта қабул қилиб олди. Ўрта ҳисобида ҳар гектар майдондан 30,5 центнердан хирмон кўтарилди.

Бу муваффақиятга деҳқонларимиз осонликча эришганлари йўқ. Ҳеч бир йил деҳқонни сийламаган. Ҳар йилнинг ўзига яраша ташвиш-у, қийинчиликлари бор. Аммо бу йилги об-ҳаво шароитлари ғўзанинг ўсиш-ривожланишини сезиларли даражада кечиктирди. Табиий офат туфайли 21 минг гектар майдонга қайта чигит экилди. Шунинг ҳисобига сурхондарёликлар 73 минг сўм зарар кўрдилар. Бир қисм майдонларга ўрта толали ғўза уруғини қадашга тўғри келди. Айрим майдонларнинг ғўзаси чинбарг чиқарганда устма-уст ёққан ёмғир ёш ниҳолларни эзиб қўйди.

Аммо қийинчиликларни енгиб ўрганган халқимиз ҳамжиҳатликда ишлаб, юқори ҳосил бунёд этиш учун барча чораларни кўрди.

Йиғилишлар, митингбозликлар билан шуғулланмадилар. Балки эртанги кунга умид билан ишладилар. Қатор ораларига минерал ўғитлардан ҳам кўра маҳаллий ўғит солишга эътибор кучайтирилди. Культивация сифатли ўтказилди. Экиннинг талабига қараб суғориш ташкил этилди.

Терим мавсумида жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қишлоқ меҳнаткашларини моддий манфаатдорлигини ошириш, йиғим-теримда иш ҳақини юқори ва қатъий белгилаш бўйича ҳамда пахтанинг харид нархини ошириш тўғрисида чиқарган фармонлари бозор иқтисодиёти шароитида айни муддао бўлди ва одамларни руҳлантирди. Деярли барча хўжаликларда қўлда терилган бир килограмм «оқ олтин» учун 40 тийин, машинада терилган бир тонна хом ашёга эса 25 сўм ва ундан ҳам кўпроқ ҳақ тўлаш жорий этилди. Бу эса деҳқонларни ҳар бир ишни ўз вақтида ва сифатли бажаришга, юксак унумдорликка эришишга рағбатлантирди.

СУРХОН АРМУҒОНИ

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, воҳада ингичка толали хом ашё тайёрлаш режаси ҳам барвақт уддаланди. Ингичка толали ғўзанинг тезпишар ва серҳосил маҳаллий навлари кўпроқ экиладиган бўлди. Мисол учун бу йилги шароитда ипак пахта умумий майдоннинг 60 фоиздан кўпроғига ёки 85 минг гектар ерга экилган бўлса, шундан 76 минг гектардан зиёди «Термиз» навларидир. Шу туфайли ҳам ипак пахта ҳосилдорлиги юқори бўлди ва давлатга 261 минг тонна ёки ялпи ҳосилнинг 61 фоизи миқдорида ипак пахта сотилди. Ингичка толали ғўза навлари ҳосилдорлиги 30,7 центнерга тўғри келди. Агар биз чигит экилган майдонларни баҳорда бузиб, ўрнига ўрта толали ғўза навларини жойлаштирмаганимизда эди, ҳосил янада мўл бўларди ҳамда деҳқонларимизнинг даромади ҳам ошарди.

Пахта тайёрлаш режасининг барвақт уддаланишига вилоятнинг барча районлари муносиб улуш қўшдилар. Бу йилги мавсумда Ангор ва Шеробод районларининг деҳқонлари жасорат кўрсатди, десак муболаға бўлмас. Чунки бу районларнинг меҳнаткашлари жумҳуриятда пешқадамлар сафида режани адо этишди. Термиз, Жарқўрғон, Гагарин, Ленин йўли ва Қумқўрғон районларининг азамат деҳқонлари қўлга киритган муваффақиятларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Далада меҳнат қилган механик-ҳайдовчиларга ўтган йилга нисбатан анча кўп ҳақ тўланди. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра «зангори кема» капитанларига ҳозиргача 6 миллион 250 минг сўмдан зиёд ҳақ берилди. Ғамхўрлик оширилгани ва заҳматли меҳнатларига яраша ҳақ тўланганлиги эвазига механизаторлар терим агрегатлари билан 250 минг тонна пахта теришди. Шерободлик Омон Маматраимов, бойсунлик Ғани Пардаев, Ленин йўли районлик Ўроздавлат Жумаев, гагаринлик Чори Нормўминов, қумқўрғонлик Исмоил Алимов, ангордик Жўрабек Бекнонов, жарқўрғонлик Соат Ашуров ва бошқалар ўз агрегатлари бункеридан 170—200 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Режа бажарилди. Аммо ҳали пахтазорларимизда ҳосил кўп. Катта қийинчиликлар эвазига етиштирилган бирон килограмм пахта ерда қолмаслиги керак. Қолаверса, жумҳурият Президентининг давлат буюртмаси ҳажмидаги пахта толасининг 5 фоизи ва режадан ортиқча тайёрланган пахтанинг ҳаммасини сотиш ҳуқуқи хўжаликларнинг ўз ихтиёрига берилиши тўғрисидаги фармони ҳам деҳқонларимизни руҳлантириб юборди. Режага қўшимча яна 40 минг тонна «оқ олтин» териб олиш имкониятимиз бор. Шу билан бир вақтда деҳқонларимиз бўлғуси ҳосилга мустаҳкам замин яратиш тадбирларини ҳам амалга оширадилар.

Ҳ. БЕРДИЕВ,
халқ депутатлари Сурхондарё вилоятк Кенгаши ранси.

• СИРДАРЁ

● СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 348 МИНГ ТОННАДАН ЗИЁД ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРДИЛАР.

Вилоятимиз дала меҳнаткашлари давлат қабул пунктларига 348 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, режани ортиғи билан адо этишди. Зошқача қилиб айтганда, 152 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 22,9 центнерга етказиб ҳосил олинди. Вилоятимиз юзга яқин миллат ва элатлари деҳқонларининг юксак «оқ олтин» хирмони асосан техника ёрдамида барпо этилди.

Ҳосилни етиштириш ва уни йиғиб-териб олиш бизлар учун осон кўчгани йўқ. Баҳордаги серташвиш, машаққатли кураш онлари ҳалигача хотирамиздан ўчгани йўқ. Ўша пайтлардаги табиий офатдан Меҳнатобод, Боёвут, Ховос, Комсомол, Гулистон районларининг деҳқонлари айниқса катта зарар кўрдилар.

Бундай дамларда вилоятимиз деҳқонлари ва механизаторлари тушкунликка тушмай, ғайрат билан ишга киришдилар. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши табиий офат оқибатларини тугатиш бўйича махсус тадбир ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш йўлида қатъий иш олиб борди. Район, шаҳар кенгашлари, хўжаликларнинг раҳбарлари қийинчиликларни бартараф этиш, кўчатларни сақлаб қолиш ва тўла гектарлар барпо этиш чораларини кўрдилар. Вилоятимизда тузилган пахтакорлар кенгаши аъзолари долзарб дамларда, айниқса, самарали иш олиб бордилар.

Вилоятимиз азалдан илғор технология, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда ўзига хос лаборатория ҳисобланади. Ўтган йиллар мобайнида пахтачиликни комплекс механизациялаш борасида бой тажрибалар тўпланган эди. Шуниси қувончлики, кейинги йилларда бу борадаги ишлар янада авж олдирилмоқда, тажрибалар бойитилмоқда.

Икки йилдан бери четдан ҳашарчи олмаяпмиз. Илгари вилоятимизга Тошкент шаҳрининг олий ўқув юртлари ва турли ташкилотларидан 50—60 мингга яқин ҳашарчи келиб, йиғим-теримда иштирок этар, уларга сарфланган харажатларимиз ҳам беш миллион сўмга етиб қолар эди. Ҳозирги иқтисодий танглик даври нарх-навосига қиёсланадиган бўлсак, бу харажатлар икки-уч баравар ортиб кетиши ва қўрқдаги хўжаликларимизнинг иқтисодий жиҳатдан янада танг аҳволга солиб қўйиши турган гап. Шунинг учун ҳам биз бу йўлда ташланган ана шу дадил қадам аҳамиятини қадрлаймиз, ютуқларни мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ХИРМОНИ

Вилоятимиз йўйича йиғим-терим ишлари деярли бир ой мобайнида асосан ҳал этилган экан, бу албатта техника шарофати, азамат механизаторларимизнинг қаҳрамонона меҳнатлари самарасидир. Бу йилги мавсумда ҳар қачонгидан ҳам кўп—деярли тўрт мингга яқин терим агрегатларидан унумли фойдаланилди. Биз сурункасига икки йилдан бери ҳар бир агрегатга 38—40 гектардан, ер тўғри келишини таъминлаш устида иш олиб бормоқдамиз. Бу ҳаракат ўзининг ижобий самараларини бераётир. Техника ёрдамисиз ҳосилни бу қадар қисқа фурсатда нобуд қилмай териб олиш қийин, албатта. Оқолтин, Меҳнатобод, Боёвут, Ховос, Ильич, Ворошилов, Гулистон районларининг механизаторлари, айниқса, намуна кўрсатиб ишладилар. Бу районларда ишни замонавий услубларда ташкил этиш, механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида яхши тажрибалар тўпланди ва улардан оқилона фойдаланилмоқда.

Биз бугун пахта далаларида эришилган ютуқлар ҳақида гапирар эканмиз, жумҳуриятимиз Президенти ва ҳукуматининг қатор фармонларини катта миннатдорчилик туйғулари билан эслаб ўтишимиз керак. Айниқса бу йилдан бошлаб пахтанинг давлат харид нархи 50 фоизга оширилгани, механизаторлар ва теримчиларнинг меҳнатини рағбатлантиришнинг оқилона йўллари белгилаб берилгани бизларга қанот бўлди, ишимизнинг ривожини таъминлашда, айни долзарб дамларда сафарбарликни оширишда катта омил бўлди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан шу йилдан бошлаб белгиланган топшириқлар беш фоизини ва мўлжалдан ортиқ олинган пахта толасини хўжаликларга эркин харид қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Бу Фармон вилоятимиз пахтакорлари томонидан ҳам катта хурсандчилик билан қабул қилинди. Тегишли идоралар ҳозирнинг ўзидаёқ шу қарор туфайли туғилган имкониятлардан фойдаланилган тақдирда кўриладиган манфаатларни ҳисоб-китоб қилиб чиқдилар ва тегишли режаларни белгиладилар. Умуман олганда иқтисодчиларимизнинг ҳисоб-китобларига қараганда, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархларининг 50 фоизи ошгани ва режадагисининг 5 фоизини ҳамда режадан ортиқ хом ашёнинг хўжаликлар томонидан ихтиёрий равишда сотилиши туфайли илгари режалаштирилган 64 миллион ўрнига 393 миллион сўмлик фойда олиниши кўзда тутилмоқда. Бу қўрқ воҳа дала меҳнаткашлари учун муҳимдир.

Биз Мирзачўлга ҳал қилувчи ҳужум бошланганлигининг 35 йиллиги нишонланаётган йилни ўзига хос мўл-кўлчилик йилига айлантириш ниятидамиз. Шунинг учун ҳам етиштирилган барча ҳосилнинг бир чаноғини ҳам ерда қолдирмай йиғиштириб оламиз ҳамда келгуси йилнинг юксак хирмони учун пухта замин яратамиз.

А. АЙДАРҚУЛОВ,
халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши ранси.

● Суратларда: Денов районидаги Бобур номли жамоа хўжалиги моҳир теримчиси Наргиза Уроқова. 2. Шеробод районидаги Н. Муродов номли давлат хўжалиги бўлим бошлиғи Эргаш Дўсанов. 3. Ангор районидаги М. Азизов номли жамоа хўжалиги теримчиси Насиба Нормatова. 4. Термиз районидаги «Ғулбаҳор» давлат хўжалиги механизатори Ёмғир Назаров.

М. МЕРГАНОВ олган суратлар.

ИЗЛАНИШ ИСТИҚБОЛГА ЕТАКЛАЙДИ

Унга сўнгги пайтда бир ўй тинчлик бермасди. Деҳқон йил бўйи меҳнат қилса-ю ҳамёнда барака, турмушида ҳаловат йўқ эди. Пахтакорнинг ўз касбидан кўнгли совиётгани шундан эмасмикин? Деҳқон дастурхонига барака киритиш, ерга, она-заминга меҳрини уйғотиш учун нима қилмоқ керак?

Турғун Тошпўлатов районга раҳбар бўлиб келди-ю, шу саволга жавоб топиш ҳаракатига тушди. У ўйлади, изланди. Бир куни Пискент районидаги «Пискент» совхозида меҳнат жамоаси ўзи етиштирган пахтани ўзи қайта ишлаб ўзи давлат билан ҳисоб-китоб қилаётганини матбуотдан ўқиб қолди.

Дарҳол янгиликни атрофлича ўрганиш мақсадида Пискентга йўл олди. Хўжалик раҳбарларидан ишнинг фойдали томонларини сўради.

— Фойдасидан зарари кўпроққа ўхшайди бу ишнинг, — дейишди улар. — Чунки заводдагилар бизга ғайриқонуний қилишяпти. Пахтамизни қайта ишлашни орқага суришгани-суришган. Агар шундай бўлса, меҳнатимиз зое кетиши мумкин. Пахтакорларимиз йил бўйи ишлаб, қўлларини бурунларига тиқиб қолишмаса кошкийди.

Аслида қайта ишловчилар нақд фойдани қўлдан бергиси келмасди. Агар хўжалик пахтани қайта ишлашда иштирок этса, толани ўзи тасарруф қилса, унинг сифатини пасайтириш, тола чиқишини камайтиришнинг иложи қолмайди. Шунинг учун ҳам улар йўлимизга турли усуллар билан тўғаноқ солишга ҳаракат қилишаётир.

У калаванинг учини топгандай бўлди. «Бир-икки хўжаликни эмас, балки бутун районни давлат билан тола орқали ҳисоб-китоб қилишга ўтказилса, пахта заводини ўз ихтиёримизга олсак-чи? Бирдан-бир тўғри йўл — шу», — ўйлади у енгил тин олиб.

«Шеробод ташаббуси» деб ном олган тажрибанинг юзага келиши ҳамирдан қил суғургандек бўлмади. Уни қарор топтириш учун елиб-югуришга, афзалликларини айрим тўраларга ипидан-игнасигача исботлашга, қанчадан-қанча идоралар эшигида сарғайишга тўғри келди. Бироқ янгиликнинг истиқболига ишонч уни мақсадидан қайтармади.

Интилганга толе ёр, деганларидек, раҳбарнинг саъйи ҳаракатлари зое кетмади. Шеробод райони пахтакорлари ўзлари етиштирган ҳосилни ўзлари қайта ишлаб, давлатга тола сотишга эришдилар.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЕТАР МУРОДГА

Бундан ташқари чигит ва ундан олинадиган маҳсулотлар ҳам хўжаликлар тасарруфида бўладиган бўлди. Натижа куттириб қўймади. Дастлабки йилиёқ пахтачиликдан катта даромад кўрилди. Район иқтисоди кўтарилиб, деҳқонлар ҳамёнига барака кирди.

Моддий манфаатдорлик одамларни янада унумли ишлашга ундади. Шунинг учун ҳам район меҳнаткашлари сўнгги йилларда об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишаяпти.

Бу йил ҳам район заршунослари ўз режаларини пешқадамлар сафида 14 октябрь куни адо этишди. Давлат омборларига 55 минг 800 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Шунинг қарийб 90 фоизи «зангори кема»лар бункеридан тўқилди. Катта хирмоннинг асосий қисми юқори навларга сотилди.

— План бажарилиши биланоқ ҳамма хўжалик раҳбарлари билан йиғилиш ўтказдик, — деди Т. Тошпўлатов биз билан суҳбатда — Улар далада қолган ҳосилнинг ҳаммасини териб топширишга тайёрликларини билдиришди. Чунки республикамиз Президентининг режадаги ҳосилнинг 5 фоизи, режадан ортиғининг ҳаммасини ўзлари тасарруф қилишлари ҳақидаги Фармони барчани шунга ундарди. Шунинг учун ҳам районнинг ҳамма хўжаликларида терим суръати бир дам бўлса-да, сусаймади.

Ҳозирга келиб, район пахтакорларининг уйган хирмони 62 минг тоннадан ошиб кетди. Айни кунда миришкорлар ялпи ҳосилни 63 минг тоннагача, ҳар гектар ер унумдорлигини 32 центнерга етказиш учун йиғим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришаяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда фақат режадан ташқари тайёрланган пахтанинг ўзидан 25 миллион сўм дан зиёд даромад олиш мўлжалланаяпти. Бу йилги жами пахтадан эса 242 миллион сўм даромад кўрилади. Соф фойда 100 миллион 100 минг сўмни ташкил этиши керак.

Меҳнатдан келса ҳойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларидек олинган фойданинг кўп қисми аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмушини яхшилашга сарфланаётир. Районда йилига 5 минг тонна шакар ишлаб чиқарадиган цех қуриш учун шартнома тузилди. Сутни қайта ишловчи ва консерва заводлари қурилиши бошланмоқда. Кичик ёғ заводини барпо этиш режалаштириляпти.

Шерободликларнинг тажрибаси ҳалол меҳнат қилган муродига етиб, фаровон яшаши мумкинлиги амалда исботлаб турибди. Аммо негадир бу тажрибани қўллаб, янгича ишловчилар айтарли тез кўпаймаётир. Жумҳурият пахтакорлари бу ҳақда ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ТОПГАНИМИЗ ТЎЙГА БУЮРСИН

Бу йил хўжалигимиз жамоаси давлатга пахта сотиш режасини районда биринчилардан бўлиб адо этди. Гарчанд, асосий иш техника ёрдамида бажарилса ҳам биз, теримчилар учун ишлар талайгина. Пахтакорлар мавсумда ҳар қачонгидан ҳам фидокорона меҳнат қилишга, хирмонимиз баракасини оширишга ҳаракат қилишди.

Ҳар йили йиғим-теримда оиламиз билан меҳнат қиламиз. Айниқса сўнгги йилларда қўл терими учун тўланадиган ҳақнинг кўпайтирилиши моддий манфаатдорлигимизни оширди. «Ҳаё» деган туяга мадат, деганларидек, мавсумда ўз меҳнатимиз билан топган даромадимиз турмушимиз фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Биз оилавий ижара пудрати асосида ишлаймиз. Қайним шу бригадага раҳбарлик қилади. У Афғон жангида қатнашиб келган ғайратли йигит. Биргаликда 40 гектар ерда ижара пудрати асосида ишладик. Натижа ёмон бўлмади. Ҳосилдорликни 26 ўрнига 35 центнердан ошириб юбордик. Ўзим фарзандларим ёрдамида 7 тонна пахта тердим. Ҳозиргача терган пахтамиз учун уч минг сўмдан ортиқ ҳақ олдим. Бундан ҳаммамиз мамнунмиз. Мавсум охирига қадар бу хирмонни 10 тоннага етказмоқчимиз. Чунки ҳозирги кунларда терилган ҳар килограмм пахта учун 50-60 тийиндан ҳақ тўланаётир.

Оилада етти нафар фарзандни турмуш ўртоғим билан бирга тарбиялаётирмиз. Катта ўғлим Армия сафида хизмат қилмоқда. Қизим олийгоҳда ўқийди. Қолганлари эса мактаб ёшида

Болаларимиз ризқи учун йил бўйи тер тўкиб меҳнат қиламиз. Қимирлаган қир ошар, деганларидек йил бошида уч қути ипак қурти боқиб, икки минг сўм даромад қилган эдик. Мана энди йиғим-теримдаги даромадимиз ҳам камида 3-4 минг сўмдан ошади деган умиддамиз. Шунинг учун биз пахтанинг харид нархининг ошганидан ҳам, қўл терими учун тўланаётган ҳақнинг кўпайганидан ҳам ҳурсандмиз. Халқимизнинг ибораси билан айтганда, ҳамманинг топгани тўйга буюрсин.

Х. САПИЕВА,
Боёвут районидаги «1-Май» давлат хўжалиги теримчиси.

● Боёвут районидаги Пушкин номли давлат хўжалиги аъзолари бу йил давлатга 14 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бердилар. Бунда Собир Жўраев бошқарувчилик қилаётган бўлим пахтакорларининг ҳиссаси катта. Улар режадаги 30,1 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил кўтаришди.

Суратда: илғор механик-ҳайдовчи Рустам Холбоев, бўлим бошқарувчиси Собир Жўраев ва механизатор Эргаш Жумаев.

Қ. АБДУҚУНДУЗОВ олган сурат.

ЭРКИН ИШЛАЯПМИЗ

Республикамиз Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорига биноан биринчидан пахта ҳосилининг харид нархи 50 фоизга оширилди. Бу ҳаммамизни руҳлантириб юборди.

Районимизда ва хўжалигимизда ана шу кўрсатмалар янада такомиллаштирилди. Масалан йиллик режа ошириб бажарилгач, учинчи теримга тушганимиздан кейин районимиз бўйича машинада терилган ҳар тонна пахта ҳосили учун биз механик-ҳайдовчиларга 200 сўмдан ҳақ белгиланди. Кўп йиллардан бери чўлда ишлайман, машинада пахта териб келаман, лекин очиғи бизларга бу йилгидек меҳрибонликни кўрмаган эдик.

Шу пайтга қадар давлатга сотилган пахтанинг деярли 96—97 фоизини биз — механик ҳайдовчилар йиғиштириб олдик. Районимиз далаларида мавсум давомида 640 га яқин терим агрегатларидан унумли фойдаланилди. Шунинг учун ҳар қайси агрегат билан ўрта ҳисобда 90 тонна атрофида пахта терилди.

Энди икки оғиз ўзимиз ҳақимизда. «Фарғона» давлат хўжалигимиз районда биринчилардан бўлиб зафар қучди. Йиғим-теримни биз группа усулида ташкил этдик ва натижалар ёмон бўлмади. Менинг ўзим ҳозиргача 200 тоннадан ортиқ пахта тердим. Бу ўтган йилдагидан 50 тонна кўп. Мавсум охирига қадар эса яна камида 30—40 тонна пахта териш ниятидаман.

Абдулаҳад МАМАЖОНОВ,
Оқолтин районидаги «Фарғона» давлат хўжалиги 6-бўлимининг 1-бригада механизатори.

● Оқолтин районидаги Усмон Носир номли давлат хўжалиги пахтакорлари ҳосилдорликни 27 центнерга етказишди. Пахтанинг асосий қисми машиналар бункеридан тўкилди. Давлатга 12 минг 300 тонна хом ашё етказиб берилди.

Суратда: бўлим бошлиғи Ғулом Қултоев, механизатор Валихон Ботирбеков, хўжалик директори Маҳмуджон Тўхмаков, механизатор Собир Фозилов, бригада бошлиғи Маъмур Жуков.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ПАХТА СОЛНОМАСИ

30 МАРТ. Вилоятнинг жанубий районлари хўжаликларида чигит экишга киришилди. Бу ишни биринчи бўлиб Термиз районидаги «Намуна» жамоа хўжалиги деҳқонлари бошлаб беришди.

28 МАЙ. Термиз районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалиги далаларида ғўза гуллади.

20 АВГУСТ. Вилоятнинг жанубий районлари хўжаликларида пахтани саралаб териш бошланди.

3 СЕНТЯБРЬ. Ангор районида пахта карвони бўлди. Янги ҳосилнинг дастлабки тонналари қабул қилинди.

10 СЕНТЯБРЬ. Шеробод районидаги В. Қодиров номли давлат хўжалигининг Чори Маматов бошлиқ бригадаси аъзолари пахта тайёрлаш режасини воҳада биринчи бўлиб адо этдилар.

28 СЕНТЯБРЬ. Жумҳуриятда биринчи бўлиб Ангор районидаги Калинин номли жамоа хўжалиги аъзолари зафар қучдилар.

10 ОКТЯБРЬ. Ангор райони пахтакорлари қалаба рапортига имзо чекишди. Истиқболга эришган жумҳурият ангорликлардан 27 минг тонна пахта, жумладан, 22,3 минг тонна ингичка толали «оқ олтин» қабул қилди.

26 ОКТЯБРЬ. Сурхон воҳаси меҳнаткашлари белгиланган режани адо этишди. Шу куни вилоят пахтакорлари зиммаларига яна 40 минг тонна мажбурият олдилар. Агар шунча «оқ олтин» териб олинса, бу келгусида 15 минг тонна тола демакдир. Шунча толага 220 минг тонна ғалла харид қилиш мумкин. Шунча ғалла билан йил давомида вилоят аҳолисини боқса бўлади.

• «Ўзбекистон овози»га ёзилдингизми?

ЮЗ ЎРНИГА УЧ ЮЗ

Тошкент районидаги Навоий номли жамоа хўжалигида келгуси йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна бўлиш уюшқоқлик билан ўтаётир.

Хўжалик муштарийлари шу пайтгача 29 минг сўмлик республика, вилоят ва район рўзномаларига обуна бўлдилар. «Ўзбекистон овози»га қозиргача 200 киши обуна бўлди. Бу ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпдир. Жамоа хўжалиги партия ташкилоти котиби Ботир Тўлаганов буни рўзноманинг қизиқарли бўлиб бораётганлиги, деҳқонларнинг турмуши ва хўжалик муаммоларига оид мақолалар кўпроқ ёритилаётгани билан изоҳлади.

Жамоа аъзолари «Ўзбекистон овози»нинг яна 100 та нусхасига ёзиладиган бўлишди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНЖУМАН

ГЕОЛОГЛАР МАСЛАҲАТЛАШУВИ

Фарғонада нефть ва газ конларини қидиришнинг ноанъанавий усулларига бағишланган Бутуниттифоқ илмий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Москва, Санкт-Петербург, Киев, Уфа, Тюмень ва бошқа шаҳарлардан келган олимлар қатнашдилар.

Геолог олимлар ассоциациясининг президенти, профессор В. Васильев янги мустақил республикалар чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечираётган бир пайтда ер ости қазилмаларини излашнинг ноанъанавий усуллари афзалликлари ҳақида маъруза қилди.

Фарғона водийсининг геологик тузилиши мисолида нефть — газ конларини қидириш усулларини янада такомиллаштириш хусусида қимматли ғоялар олға сурилди. Геолог олимлар анжуманида фаннинг шу соҳадаги муаммолари билан бевосита шуғулланувчи «Простектор» илмий ишлаб чиқариш ассоциациясининг низоми тасдиқланди. Фарғона политехника институти ушбу ассоциациянинг биринчи муассисларидан бири бўлди.

А. ИБОДИНОВ.
«Ўзбекистон овози»нинг мухбири.

БУГУН — ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

БИР ИЛДИЗНИНГ ИККИ НИҲОЛИ

Бугун Ўзбекистон жамоатчилиги бизга энг яқин, қонқардош турк халқининг озодликка ва Туркия республикасининг мустақилликка эришганлигининг 68 йиллигини нишонлаяпти. Бу тантанани Ўзбекистон республикаси ҳам мустақилликка эришган йилда нишонланиши алоҳида эътиборга сазовордир.

Турк халқининг жаҳон тарихида тутган ўрни ва умуминсоний маданиятига қўшган ҳиссаси беқиёс. Ўтмишда Туркия мутафаккирларининг ўзбек олимлари ва давлат арбобларининг дунёқарашлари шаклланишида ва маданиятимиз ривожида муҳим роль ўйнаганлигини буюк ўзбек алломаси Мирза Улуғбекнинг устози Қозизода Румий сиймосида яққол кўриш мумкин. Али Қушчидек заманасининг етук олими ва бошқалар Туркияда паноҳ топиши, икки халқ ўртасидаги оға-иничилик иттифоқи ниҳоятда самимий эканлигидан далолат беради. Қолаверса, бизнинг асримизда Туркия ўз ватанидан бадарға қилинган ўзбек муҳожирларига бошпана бериб, уларни ўз фарзандидек тарбия қилиши бу халқнинг бағри кенглигидан дарак беради.

Туркларнинг ота-боболари қадимдан Сирдарёнинг этакларида истиқомат қилишган бўлиб, кейинчалик Кичик Осиёга кўчиб кетишган. Бинобарин, Ўрта Осиёликлар, жумладан ўзбеклар турклар билан қонқариндош. Шу боисдан халқларимизнинг тили ҳам, дини ҳам, кўпгина урф-одатлари ҳам деярли бир хил. Бир гап билан айтганда, бу икки халқ бир илдизнинг икки ниҳоли.

Туркия билан алоқаларни ривожлантиришга кўп йиллар давомида тўсқинлик қилиб келинди. Бу ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга путур етказди. Икки халқнинг бир-бирига яқинлашишига йўл қўйилмади. Лекин мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган демократик жараёнлар туфайлигина Туркия билан ўзаро муносабатларни тиклаш ва ривожлантириш имконияти туғилди. Бу алоқаларнинг ривожланишида ўз мустақиллигига эришган Ўзбекистон Республикасини қўллаб-қувватлаб турган Туркия халқидан ва унинг давлатидан ниҳоятда умидвормиз. Бу мустақилликни табриклаш учун Туркия ташқи вазирлигининг махсус вакиллари келиши фикримизнинг далилидир.

Маълумки, қарийб етти аср ҳукм сурган Усмонлилар салтанати биринчи жаҳон урушида инқирозга учради ва Туркия империалистик давлатлар асоратига тушиб қолди. 20-йилларда Мустафо Камол Отатурк бошлиқ турк эркпарварлари олиб борган миллий-озодлик кураши ғалаба билан тугади. 1923 йилнинг 29 октябрида Туркия республика деб эълон қилинди. Шундан бери бу сана Туркия мустақиллиги куни сифатида ҳар йили байрам қилинади.

1982 йил охирида Туркияда янги конституция қабул қилинди. 1983 йилги парламент сайловларида Турғут Озал бошлиқ Ватан фирқаси ғалаба қозонди. Асли иқтисодчи бўлган Т. Озал ҳукумати мамлакат юксалишининг янги йўналишини турмушга татбиқ этишга киришди. Бу йўналиш ишлаб чиқариш базасини ўзгартириш, очиқ бозор иқтисодиётига ўтиш, миллий омилкорликни кучайтиришга асосланган эди. Айни пайтда хорижий капиталнинг мамлакатга оқиб келиши, замонавий ишбилармонлик шакллари рағбатлантирилди. Туркия қисқа муддат ичида қишлоқ хўжалигида технология инқилобини амалга оширди. Аҳолининг озиқ-овқат молларига эҳтиёжи тўла қондирилиб, четга ҳам маҳсулот чиқарилмоқда. Қайта ишловчи саноатда ажойиб муваффақиятлар қўлга киритилди. Ташқи савдо обороти юксак суръатлар билан ўсди.

Туркия мустақилликка эришган вақтдан бошлабоқ Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилди. 1926 йилнинг охирида Туркия билан СССР ўртасида дўстлик ва бетарафлик ҳақида шартнома имзоланди. Аммо яхши қўшничилик ва ҳамкорлик алоқалари узоққа чўзилмади. Совет-Туркия муносабатлари жаҳон сиёсий кучларининг таъсири остида ўзгариб турди. Ўзбекистон Совет Иттифоқи таркибида хом ашё етиштириб берувчи ўлка бўлиб, ташқи алоқаларда мустақил сиёсат юрита олмаганлиги туфайли Туркия билан мустақил алоқалар ўрнатиш имконнятига эга бўлмади. 1978 йил июнида яхши қўшничилик ва дўстона ҳамкорлик ҳақида имзоланган сиёсий ҳужжат СССР билан Туркия республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг мустаҳкамланишида катта аҳамият касб этди. 1984 йилга келиб СССР ва Туркия ўртасида иқтисодий, савдо ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш дастури белгиланди. 1986—90 йиллар давомида мол айирбошлаш ҳақидаги ва Совет Иттифоқидан Туркияга 25 йил давомида газ етказиб бериш тўғрисидаги тадбирлар дўстона алоқаларнинг ривожланишига кенг йўл очиб берди. Ана шу алоқалар эндиликда ўз мустақиллигини эълон қилган жумҳуриятимиз фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутиб, турк ва ўзбек халқлари ўртасидаги ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшганлиги шубҳасиз.

Янгича фикрлаш даврида Ўзбекистон республикаси хориждаги давлатлар, шу жумладан Туркия билан мустақил равишда ташқи муносабатларни янада кенгайтириш имконнятига эга бўлди. Шу туфайли сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Туркия давлати ўртасида ўзаро дўстлик алоқалари тобора ривожланяпти. Бунга шу йилнинг бошида тузилган «Ўзбекистон—Туркия» дўстлик жамияти ёрқин далилдир. Мазкур жамият ташаббуси билан шу йилнинг ўзида жумҳуриятимиздан бир қатор адабиёт ва санъат намояндалари Туркия бўйлаб сафарда бўлиб қайтишди. Ўз навбатида кўплаб туркиялик меҳмонлар ҳам Тошкент, Самарқанд, Андижон ва бошқа шаҳарларимизга ташриф буюрдилар.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг тарғибот маркази Туркия тадқиқотлар жамғармаси билан адабий алоқалар хусусида битим тузди. Шу битимга мувофиқ Туркияда ҳар икки йилда бир марта Ўзбекистон адабиёти кунлари ўтказиш, мазкур анжуманларда қатнашадиган адиб ва шоирларнинг асарларини туркчага ўгириб, китоб ҳолида чоп этиш, Ўзбекистон санъат жамоаларининг Туркия бўйлаб концертларини уюштириш кўзда тутилади.

Шу йилнинг июнь ойида Тошкентга кўпгина мамлакатлардан йирик ишбилармонлар ташриф буюришди. Улар орасида Туркиядан келган ишбилармонлар ҳам бор эди. Туркиялик ишбилармонлар республикамизнинг шаҳар ва вилоятлари, жамоа хўжаликлари, турли муассаса, ташкилот ва корхоналари билан шартномалар тузишди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмгоҳлари ҳам Туркия билан илмий-техникавий алоқаларни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Адабиёт, Тил илмгоҳлари Измир дорилфунуни билан ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдилар. 1991 йил февралида Туркия соғлиқни сақлаш вазири жаноб Шивгин Халилнинг Ўзбекистонга ташрифи пайтида тиббиёт соҳасида амалий ҳамкорлик ва ҳар икки мамлакат ўртасида шифокорлар алмашиш юзасидан шартнома имзоланди.

Ўзбекистон маданиятини ўрганишда Туркиядаги «Туркий халқлар маданиятини ўрганиш» институти фаолияти диққатга сазовор. Шунингдек, Истамбул дорилфунунида ҳам Ўрта Осиё тарихини ўрганиш яхши йўлга қўйилган. Анқара дорилфунунида эса туркий халқларнинг тарихи, маданияти ва адабиётини ўрганадиган махсус марказ ишлаб турибди. Бу марказда бир неча мутахассислар Ўзбекистон тарихи, маданияти, адабиёти ва ўзбек тили масалалари билан шуғулланадилар.

Туркияда Туркистонга қизиқиш сўнгги 5—6 йил ичида сезиларли даражада кучайди. 1988 йилдан бошлаб Истамбулда «Туркистон» ойномаси чиқяпти. «Турк дунёси» ҳафтаномаси ҳам Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга оид хабарларга алоҳида эътибор бермоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ва Туркия республикалари ўртасида иқтисодий, тижорат, маданий, илмий-техникавий алоқалар бундан буён ҳам ривожланаверади, ҳамкорлигимиз мустаҳкамланаверади.

И. ИСКАНДАРОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, «Ўзбекистон — Туркия» жамияти президенти.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ҲУҚУҚИЙ БИЛИМЛАР — ОММАГА!

«Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг бюллетени» илгари фақат ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун мўлжалланган эди. 1992 йил январь ойидан бошлаб бу бюллетень ҳеч қандай чекловсиз обуна асосида тарқатилади.

Бюллетенда бир қанча бўлимлар бор. Биринчи, бош ўринда турадиган, асосий бўлимда республикада энг юқори суд инстанцияси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг қарорлари ёритилади. Пленум қарорларида судларга жиноий ва фуқаролик ишларини кўришда қонунларни тўғри тадбиқ этиш масалалари юзасидан тегишли раҳбарий тушунтиришлар берилади. Бу хил раҳбарий тушунтиришларнинг қуйи судлар фаолиятида қонунчиликни мустаҳкамлаш, кўрилган ишлар самарадорлигини оширишдаги аҳамияти катта.

Бюллетеннинг бошқа бўлимларида Олий Суд пленуми ва президиумларининг айрим жиноий ва фуқаролик ишлар бўйича чиқарган қарорлари, судлов коллегияларининг шу хил ишлар бўйича ажримлари шунингдек, вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг баъзи ишлар тўғрисидаги Президиум қарорлари, жумҳуриятда жиноятчилик ва судланишнинг аҳволи ҳақидаги маълумотлар, қонунга киритилган ўзгартиришлар ҳақида справкалар, илмий-шарҳлар ва бошқа маълумотлар берилади. 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг биринчи инстанцияда кўрган ишлари, айрим ишлар бўйича чиқарган хусусий қарор ва ажримлари бўйича маълумотлар бериш мўлжалланган.

Айни вақтда «Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг бюллетени» кенг ўқувчилар оммасига, шунингдек, ташкилотлар, муассаса,корхона ва идораларга уларнинг қонун асослари ва ҳуқуқий нормалар бўйича керакли ва фойдали тушунчалар олишларига катта ёрдам беради.

● Бюллетен ҳар уч ойда ўзбек ва рус тилида бир марта чиқади. Унинг ҳажми шартли равишда, олти босма листдан иборат. Бюллетеннинг ҳар бир сонининг нархи— 3 сўм. Бир йиллик обуна нархи эса 12 сўм бўлади.

● Индекс — 75235. Обуна учун алоқа бўлимларига мурожаат этиш керак.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ ДОРИЛФУНУНИ

1991—92 ўқув йили учун кундузги ва сиртқи бўлимига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимига ўрта маълумотга эга бўлган қуйидаги шахслар қабул қилинади:

а) корхоналар, ташкилотлар ва муассасалардан йўлланмаси бўлган, меҳнат фаолияти 2 йилдан кам бўлмаган, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган ишчилар, жамоа хўжалиги аъзолари, шунингдек, ҳарбий қисмлар йўлланмаси билан заҳирага бўшатилганлар;

б) мутахассисларни тайёрлаш учун шартномалар асосида корхоналар, ташкилотлар ва бошқа муассасалар томонидан ўқишга юборилган ишчилар, жамоа хўжалиги аъзолари ҳамда бошқа ходимлар (меҳнат фаолиятидан қатъи назар).

Тайёрлов бўлимининг умумиқтисод мутахассислигига математика, география ва чет тилидан суҳбат ўтказилади.

Тайёрлов бўлимига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади- ректор номига ариза, мутахассисни тайёрлаш учун шартнома, тайёрлов бўлимига ёзилган йўлланма, ўрта маълумот тўғрисида ҳужжат (асл нусхаси), меҳнат дафтарчасининг нусхаси, 3х4 см. ҳажмида 8 та фотосурат, саломатлик ҳақида 086/У шаклидаги тиббий маълумотнома.

Ҳужжатлар 15 ноябргача қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 ой.

Ҳужжатлар топширилаётган вақтда паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий хизматга чақирув гувоҳномаси шахсан кўрсатилади.

МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, 63, Олмазор кўчаси, 183-уй, ТДИУ;
Қўқон шаҳри, Энгельс кўчаси, 2-уй, ТДИУ филиали.



НОН — ДАСТУРХОН БАРАКАСИ

Қаршн шаҳридаги 10-нон маҳсулотлари комбинати жамоаси хайрли ишга қўл урди. Яқинда улар ўз ички имкониятлари ҳисобига хўжалик усулида «Иссиқ нон» фирма-магазинини қуриб битказишди. Ҳозир бу ерда хуштаъм нонларнинг 6-7 хили тайёрланиб, аҳолига сотилмоқда.

— Корхона магазинида Германиянинг «Винклер» фирмасидан келтирилган ускуналар ўрнатилган, — дейди илғор ишчи Фарҳод Қурбонов. — Улардан самарали фойдаланиш эвазига ойига 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариляпти.

Дарҳақиқат, хорижий ускуна кўл келаяпти. Комбинат маъмурияти бундай печлардан яна бир нечасини сотиб олиш ниятида. Яқин вақтда эса фирма-магазинни қошида кондитер цехини ҳам ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ишчилардан Сабоҳат Тоғаева ва Нилуфар Ғуломовалар маҳсулотга шакл беришяпти.

2. Ушбу печларда дастурхонимиз кўрки бўлган нон тайёрланади. 3. Илғор ишчи Фарҳод Қурбонов. 4. Янги фирма магазинининг ташқи кўриниши.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.



СПОРТ

АРМИЯЧИЛАР ЧЕМПИОН

● ОЛИЙ ЛИГА жамоалари ўртасида мамлакат чемпиони аниқланди. Пойтахт армиячилари чемпионат тугашидан бир тур олдин ғалабага эришдилар. Улар Москва динамочиларини 1:0 ҳисобида енгиб, 17 ғалаба, 43 очко билан узоқ йиллик танаффусдан кейин чемпион номига мушарраф бўлишди. Москва спартакчилари эса торпедочилардан енгилиб (1:2), 39 очко билан чемпионатнинг кумуш медалини оладиган бўлишди. Бронза медалининг тақдири «Торпедо» — «Динамо» (К) жамоалари учрашуви натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Ўйинлар жадвалининг қуйи поғоналарини эгаллаб турган жамоалар мавқеида ҳам ўзгаришлар юз берди. Жумладан, пахтакорчилар «Черноморец» майдонида дарвозаларидан иккита жавобсиз тўп ўтказиб юборишди. «Пахтакор» бир поғона пастлаб, 14 ўринга тушди.

САФАРДА ИУҚОТИШЛАР

● БИРИНЧИ лига футбол жамоалари ҳам мавсумни якунлашмоқда. 41-тур учрашувларида юқори ўринларни эгаллаб турган «Ротор», «Тилигул», «Таврия» жамоалари мавқеларини мустаҳкамлашди. Фарғонанинг «Нефтяник» ва Наманганнинг «Навбаҳор» футболчилари сафарда иккитадан очко йўқотишди. Навбаҳорчилар «Зимбрул»га (0:2) ютқазишган бўлса, фарғоналиклар «Буковина» майдонида (1:4) имкониятни бой бердилар.

„ЭЛЕКТРОНИКА"

ТОШКЕНТДАГИ «ЭЛЕКТРОНИКА» ФИРМАЛИ ДЎКОН-САЛОНИ АВТОҲАВАСКОРЛАРГА!
ҚУЙИДАГИЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ:

«БАСК»-4 — аккумулятор ва электр асбобларнинг хизмат муддатини узайтирадиган автомобилнинг борт тармоғидаги кучланиш индикатори.

«ЗАГЛУШКА» — ювиш жараёнида ВАЗ двигателининг мойлаш тизимини герметиклаштириш учун мўлжалланган.

ВАЗ автомобили ёқилғи насосининг таъмирлаш комплекти.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.

Телефонлар: 33-78-34, 33-68-60.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар академиясининг
БИОКИМЁ ИЛМГОҲИ
лаборатория бўйича бўш лавозимларга
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ҳужайрали метаболизм регуляцияси, молекуляр ирсият;
кичик илмий ходим: молекуляр биология;
Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: 700125, Тошкент шаҳри, М. Горький шоҳкўчаси, 66-уй.

Ўзбекистон жумҳурияти Фанлар Академиясининг Археология илмгоҳи жамоаси Президиум аъзоси, академик А. А. Асқаровга акаси

Султонали АСҚАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси бошқаруви уюшма аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Учқун ҒАНИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-53-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.50.

№ 209.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.